RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV №

Ислом КАРИМОВ: **БИЗ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ТАРИХИЙ-МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ ТИКЛАШ БОРАСИДА НИМАИКИ ИШ ҚИЛАЁТГАН БЎЛСАК, УЛАРНИНГ БАРЧАСИНИ ЯГОНА МАҚСАД — ҚЎПМИЛЛАТЛИ ХАЛҚИМИЗНИ БИРЛАШТИРИШ УЧУН ҚИЛМОҚДАМИЗ.**

O'ZBEKISTON OVOZI

2000 ЙИЛ
13 МАЙ
ШАНБА

№ 56 (25.606).

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ» ЁДГОРЛИК МАЖМУИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли меҳмонлар!

Ҳурматли оқсоқоллар!

Авваламбор, мана шу гўзал майдонда тўпланиб турган, узоқ-яқиндан келган, бугунги эзгу ишга дахлдор бўлган сиз азизларга, сизлар орқали бутун халқимизга чин қалбимдан ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этмоқчиман.

Ҳурматли жамоат!

Шаҳид кетган аждодларимиз хотирасига бағишланган, ғоят қисқа муддатда қад ростлаган бу ёдгорлик мажмуини айнан шу жойда — кўп-кўп тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган қадимий Бўзсув соҳилида барпо этганимиз бежиз эмас, албатта.

Одамларнинг юрагида мудҳиш из қолдирган қатағон йилларида бу кўримсиз жарлик — Алвасти кўприк деб совуқ ном олган, инсон қалбига қўрқув соладиган бу қаровсиз жойда халқимизнинг минглаб асл фарзандлари отилган, бекафан, бежаноза, ном-нишонсиз кўмиб ташланган.

Миллатимиз фахру ифтихори бўлган Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон сингари юзлаб улуғ зотларнинг ҳам шу ерда қатл этилганини яқингача кўпчилик билмас эди.

Зулм ва зўравонликка қурилган мустабид, бешафқат тузум даврида ўзлигини, миллат қадр-қимматини теран англаган, ижтимоий-сиёсий онги юксак, халқни уйғотишга, халқни бошқаришга қодир бўлган, маърифат ва маънавият йўлида фидойилик кўрсатган барча ақл-заковат соҳибларининг жасадлари мана шу тепалик ва жарликларда ном-нишонсиз қолиб кетган.

Мана шулар қаторида сиёсатдан мутлақо узоқ бўлган, минг-минглаб оддий деҳқонлар, ҳунарманд-косиблар, ишчи-хизматчиларнинг бегуноҳ қурбон бўлиб кетгани тасаввурга ҳам сиғмайдиган аянчли бир ҳолдир.

Ана шу азиз аждодларимизнинг арвоҳлари шунча йиллар давомида ҳаловат ва ором топмасдан мана шундай кунларни кутар эди.

Биз уларнинг ушалмаган орзу-армонлари олдида, орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳали-ҳануз дил яраси битмаган, кўз ёшлари тинмаган, ўша айрилиқнинг дарду ғами билан яшаб келаётган қавму қариндошлари, яқинлари, зурриёдлари олдида, Яратганимиз олдида бугун ўз инсоний бурчимизни адо этмоқдамиз.

Азиз юртдошлар!

Жафокаш халқимиз асрлар давомида не-не оғир синовлар, машаққатли кунларни кўрмади. Ўз озодлиги, эркинлиги, тинч ҳаёти йўлида курашиб, беҳисоб қурбонлар берган ота-боболаримиз жасорати тарихий хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди.

Айниқса, машъум 1937-1953 йилларда содир этилган бедодликни тасаввур этиш учун Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланганини эслаш кифоя.

Инсоний қадр-қиммати топталган, ҳаёти поймол этилган бу одамлар орасида юртимизда истиқомат қилган деярли барча миллат ва элатларнинг вакиллари бор эди.

Шу даврда қанча-қанча одамларнинг ўз оиласидан жудо бўлгани, аёллар беваликка, гўдаклар етимликка маҳкум этилганини инобатга олсак, халқимиз бошига тушган бу фожианинг миқёси янада яққол намоён бўлади.

Барчамизнинг тақдиримизга дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишидаги ҳали-ҳануз сир бўлиб келаётган ёпиқ саҳифаларни тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантиришда мана шу ёдгорлик ва амалга ошираётган эзгу ишларимизнинг алоҳида ўрин тутиши шубҳасиз.

Аслида биз қўлга киритган мустақилликнинг моҳияти ҳам ўзлигимизни англаб, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, миллатимизнинг қадр-қимматини, унинг шаъни ва ғурурини тиклаб, асрий адолатни қарор топтириш ва халқимизнинг обрў-эътиборини янада юксалтириш демакдир.

Бугун ана шу олижаноб мақсад йўлида яна бир қутлуғ қадам қўйилди.

Биз бугун шу табаррук зиёратгоҳда туриб, озод ва эркин Ватан учун жон берган шаҳидлар руҳи олдида бош эгиб, уларга ўз ҳурмат-эҳтиромимизни бажо этамиз.

Бу зиёратгоҳни биз қатағон қурбони бўлган, жисми олис-олисларда қолиб кетган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори, Усмон Носир, Убайдулла Хўжаев, Саид Аҳрорий, Боту, Исҳоқхон Ибрат, Элбек сингари юзлаб юртдошларимизнинг ҳам рамзий мозори сифатида қабул қилмоғимиз керак, деб ўйлайман.

Мана шу жойдаги минглаб инсонларнинг шу кунгача чирқираб ётган руҳи поклари бугун барчамиздан, эзгу ишларимиздан рози бўлиб, шояд ором топган бўлса, ажаб эмас.

Қатағон йилларида қурбон бўлган ота-боболаримиз хотираси олдида ўз инсоний бурчимизни бажо келтириб, шу муборак жума тонгида қилган барча дуои фотиҳаларимиз илоё ижобат бўлсин.

Бугунги маросимда узоқ-яқиндан келган ҳамюртларимиз ва меҳмонларимиз орасида Ватанимиз озодлиги, беғубор ҳаётимиз, авлодлар бахт-саодати йўлида қурбон бўлган инсонларнинг қариндош-уруғлари, ёру биродарлари иштирок этаётгани тарихимизда адолатнинг яна бир саҳифаси тикланаётганидан далолатдир.

Биз буни ўша қатағон йилларида эзилган, қадр топмаган қанча-қанча одамлар орзиқиб кутган қутлуғ кунларнинг тантанаси, деб қабул қилмоғимиз даркор.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Шу қурилиш давомида ўтганлар руҳини ёд этиб, минглаб юртдошларимиз, муҳтарам нуронийларимиз, зиёлиларимиз, адабиёт ва санъат аҳли, турли касб эгалари ҳашарлар уюштириб, беғараз меҳнат қилгани — алоҳида эътибор ва таҳсинга сазовор.

Мана шундай бебаҳо ва буюк инсоний фазилатларга эга бўлган, барча хайрли ишларга доимо тайёр, қалбида меҳр-оқибат туйғуси ҳеч қачон сўнмайдиган, озодлик йўлида жон берган фарзандларининг табаррук номларини ўз хотирасида ҳамиша сақлаб келадиган, бағрикенг, виждони уйғоқ халқимиз асло кам бўлмайди, иншоолло.

Муҳтарам юртдошлар!

Бугунги унутилмас, савобли ва тарихий бир воқеанинг асосий иштирокчилари бўлмиш мана шу ёдгорлик мажмуини бунёд этган моҳир қурувчилар ва қўли гул усталарга, меъмор-муҳандисларга чин қалбимдан ташаккур билдираман.

Гўзал боғ-роғлар яратиб, бу жойни обод қилишда қатнашган қадимий Юнусобод аҳлига, барча ҳамшаҳарларимизга таъзим қиламан.

Шу улуғ ва беғараз ишларга ҳисса қўшган қўлларингиз дард кўрмасин, бошингиз омон бўлсин!

Азиз ватандошларим, муҳтарам юртдошларим!

Шу лаҳзаларда ҳаммамизнинг кўнглимиздан кечаётган бир туйғуни ифода қилиб айтмоқчиман: шаҳидларнинг руҳи шод, охиратлари обод бўлсин.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, озодлик ва истиқлолимиз абадий бўлсин!

ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ — МАНГУ БАРҲАЁТ

Ўтган йили Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш ва «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуини барпо этишга қарор қилинган эди. Шу қисқа вақтда бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан, миллий мустақиллик, Ватан равнақи, юрт озодлиги учун жонини фидо айлаган эл ўғлонларининг қутлуғ хотирасига пойтахтда муаззам ҳиёбон бунёд этилди.

12 май, муборак жума тонгида уфқдан бош кўтарган қуёш пойтахтимиз марказидан оқиб ўтувчи Бўзсув соҳилида ажиб бир манзаранинг гувоҳи бўлди. Бир вақтлар киши ёлғиз юришга юраги бетламайдиган хилват гўшани бугун таниб бўлмайди. Буралиб оқаётган Бўзсувнинг икки соҳили кенг ва ямяшил сайҳонлик. Бунда яшил либос кийган дарахтлар, шаршара бўлиб қуйилаётган фавворалар, саккиз устун кўтариб турган нилий гумбаз, текис ва бежирим йўлкалар киши кўнглида ҳам фараҳ, ҳам ҳазин бир кайфият уйғотади.

Ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, давлат ва жамоат ташкилотлари, пойтахт жамоатчилиги вакиллари ташриф буюрган.

Ўн етти гектарлик кенг ҳиёбон узра шаҳидлар хотирасига бағишлаб ўқилган Қуръон оятлари янграйди. Сўнг анъанага мувофиқ, йиғилганларга наҳорги ош тортилди.

Ёдгорлик пойида ўтказилган хотирлаш маросимида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Шаҳид кетган аждодларимиз хотирасига бағишланган, ғоят қисқа муддатда қад ростлаган бу ёдгорлик мажмуини айнан шу жойда — кўплаб тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган қадимий Бўзсув соҳилида барпо этганимиз бежиз эмас, деди юртбошимиз. Зулм ва зўравонликка қурилган мустабид, бешафқат тузум даврида ўзлигини, миллат қадр-қимматини теран англаган, ижтимоий-сиёсий онги юксак, халқни уйғотишга ва бошқаришга қодир бўлган, маърифат ва маънавият йўлида фидойилик кўрсатган кўплаб ақл-заковат соҳибларининг жасадлари мана шу тепалик ва жарликларда ном-нишонсиз қолиб кетган.

Биз уларнинг ушалмаган орзу-армонлари олдида, орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳали-ҳануз дил яраси битмаган, кўз ёшлари тинмаган, ўша айрилиқнинг дарду ғами билан яшаб келаётган қавму қариндошлари, яқинлари, зурриёдлари олдида, Яратганнинг олдида бугун ўз инсоний бурчимизни адо этмоқдамиз.

«Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси раиси Наим Каримовга сўз берилди. Бундан тўққиз йил илгари, ватанимиз истиқлолидан аввал, шаҳидлар хотирасини шунчалик эъзозлаш мумкинлигини ҳатто тасаввур қилиб бўлмас эди, деди у. Лекин Ватан мустақиллиги учун курашганлар эрк ва озодлик фидойиларининг умиди ўлмаслигини кўрсатди. Қатағонга учраганлардан бири қўлида кишан билан сўнгги йўлга кетаётиб, ҳомиладор хотинига қарата, қиз кўрсанг, исмини Умида, ўғил туғилса, Нажот қўйгин деган экан. Бугунги маросим аслида ўша умид қилинган НАЖОТнинг етиб келганини исботлаб турибди.

Қатағон балоси фақат зиёлиларнигина ўз комига тортмаган, истибдоднинг оловида ҳўлу қуруқ баравар ёнган. Ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, ўттизинчи йилларнинг ўрталарида бир туман миқёсидаги раҳбар қамалгач, унинг «думи» сифатида яна эллик саккиз киши бадарға этилган экан. 130 йиллик мустамлака даврида эса Ватаннинг қанчалаб асл ўғлонлари эрк орзусига етолмай тупроққа бош қўйганини бугун аниқ айтиш қийин. Лекин улуғ шоиримиз Чўлпон ёзганидай: «Йўқ, ўлим йўқ, Бир ўчиб сўниш, яна ёниш бор!» Ватан ва халқ бахт-саодати йўлида шаҳид кетган аждодларимиз халқимиз хотирасида абадий барҳаётдир.

Маросимда қатағон қурбонларининг авлодлари, яқин қариндошлари — Холида Аҳророва, Мутал Бурҳонов, Рафиқа Абдуғаниева, Назира Қодирова, Эгамназар Қодиров сўз олиб, қатағон даҳшатларидан, шаҳидларнинг бегуноҳ оила аъзолари чеккан жабр-зулм, бемисл азоб-уқубат ҳақида сўзладилар. Ўша мудҳиш кунларнинг қайтмас бўлиб кетиши ва шаҳидлар табаррук номларининг тикланиши борасида улкан ишларни амалга ошираётган Президент Ислом Каримовга миннатдорлик туйғуларини изҳор этдилар. Ана шундай ҳайрли ишлардан бири бўлган мазкур муаззам боғ эса шаҳидларнинг хотирасига қўйилган муносиб ёдгорлик эканини таъкидладилар.

Маросим якунлангач, Президент Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоқотда бўлди. Юртбошимиз, бугунги авлодлар ватан ва халқ бахт-саодати йўлида қурбон бўлган аждодларимиз олдида қарздор эканини таъкидлади. Бугун очилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи ана шундай қарзни узиш йўлидаги бир қадамдир. Айни пайтда бу ёдгорликни ҳақиқат ва адолат тантанаси сифатида ҳам тикладик, деди мамлакатимиз раҳбари. Чунки адолат ва ҳақиқат барибир рўёбга чиқади. Адолат ва ҳақиқат бўлмаган жойда эса демократия ҳам бўлмайди, инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳам иложи йўқ. Ана шундай буюк мақсадларни ўз фаолиятига шиор қилиб олган бобомиз Амир Темур улкан ва шавкатли давлат қуриш йўлида қанчадан-қанча мушкулотларни бошидан кечирган, қамоқларда азоб чеккан, сахроларда дарбадар кезган. Лекин у ўз мақсади йўлида собит бўлгани учун ҳам охир-оқибатда ниятига эришган. Ўша сабот-матонат халқимизга меросдир. Шу сабот буюк келажагимизнинг гаровидир.

«Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи илк кунданоқ зиёратчилар билан гавжум бўлди.

■ **Мусулмон НАМОЗ, ЎзА мухбири**

Суратда: «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимидан лавҳа.

■ **Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат**

БИЗНЕСМЕНЛАР ҚЎМАГИ

Ўзбекистон Республикасининг Кореядаги элчихонасида илмий-техникавий жиҳозлар бўйича (KSIIC) корейс саноат Кооперативининг ижрочи директори Ки Тэк Янг билан учрашув бўлиб ўтди.

KSIIC Иқтисодий тараққиёт ҳамкорлик жамғармаси (EDCF) томонидан Ўзбекистондаги лицей ва коллежларни ўқув жиҳозлари билан таъминлаш лойиҳасини амалга ошириш мақсадида миқдори 35 миллион АҚШ долларига тенг бўлган имтиёзли кредит ажратишга доир дастурнинг асосий пудратчиларидан биридир.

Ки Тэк Янг мазкур ташкилот номидан 11 миллион 200 минг корейс вони миқдоридаги беғараз пул маблағини Ўзбекистон элчихонасига топширди. Ушбу молиявий ёрдам Орол денгизини сақлаб қолиш ва унинг фожеаси таъсирига учраган худудларда экологик ҳолатни соғломлаштиришга йўналтирилган дастур ва лойиҳалар учун сарфланади.

■ **«Жаҳон» АА**

ХДП ХАБАРИ

ИЛИҚ СУҲБАТ

12 май куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Словакия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Муваккат ишлари вакили Петер Спишиак, унинг илтимосига кўра, қабул қилинди.

Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов Словакия дипломатига ХДПнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштироки ва партия ташкилотларининг сайловлардан кейинги шароитдаги фаолияти хусусида сўзлаб берди.

Меҳмон мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталиб, унинг учун кенг уфқлар мавжудлигини таъкидлади.

Ўзаро ишонч руҳида, илиқ ва мазмунли ўтган суҳбатда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби А. Рустамов ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

МИЛЛИЙ КИНОГА ТАМАЛ ТОШИНИ ҚЎЙГАНЛАР

Ўзбек кино санъатининг асосчилари Наби Ғаниев, Худойберган Девонов, Сулаймон Хўжаев... Уларнинг номларини яна давом эттириш мумкин. Мустабид тузум ва унинг машъум қатағони ўларни ҳам четлаб ўтмади. Ўзбек киносини шакллантирган сиймолар ўша даҳшатли кунларнинг азоб-уқубатларига маҳкум этилдилар.

Республика Киночилар уйида «Ўзбеккино» Давлат акциядорлик компанияси кино арбоблари бирлашмаси ва «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда кеча ўтказилди.

Унда марҳум санъаткорлар ҳақида хотиралар тингланди. Улар яратган фильмлардан парчалар намойиш этилди.

Хотира кечасида драматурглар, санъат арбоблари, кино ихлосмандлари иштирок этдилар.

■ **Мастура ОЙХЎЖАЕВА**

ИНСОН ХОТИРАСИ — АЗИЗ

НАЖОТ — ИСТИҚЛОЛ ДЕГАНИ

1938 йилнинг 5 октябрида халқимизнинг Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон сингари ўнлаб ажойиб фарзандларини отиш ҳақидаги ҳукмга имзо чекилди. Лекин улар бундан бир кун аввал — ҳеч бир суд бўлмай турибоқ отиб ташланган эдилар. Абадий музликлар ўлкасига сургун қилинган ва ўша ердан қайтмаган юзлаб ватандошларимиз устидан ҳам судсиз ҳукм чиқарилган.

Баҳром Ҳайдарийнинг меҳнат дафтарчасини варақлаган киши унинг нима учун қамалганига ҳайрон бўлмаслиги мумкин эмас. Негаки, меҳнат фаолиятини ўн етти ёшида, 1917 йили Тошкентдаги Улуғбек номли мактаб муаллими сифатида бошлаган ва ҳибсга олинганда Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини ирригация ва механизациялаш институтида хизмат қилган кишининг сиёсий иш билан шуғулланганига, собиқ Совет давлати учун хавфли шахс бўлганига ишонмайсан, киши. Аммо шунга қарамай, у 1937 йил 13 декабрь куни НКВД ходимлари томонидан қамоққа олинди.

Бу вақтда фарзанди ҳали туғилмаган эди. Шунинг учун ҳам Баҳром Ҳайдарий хотини Муаззамахонга қамоқдан йўллаган хатида тахминан шундай сўзларни ёзган: Муаззамахон, сенга айтмоқчи бўлган гапим бундай. Агар туғилажак фарзандимиз ўғил бўлса, унга Нажот деб исм қўй: шояд у мендек бахти қарога нажот келтирса. Борди-ю, қиз бўлса, уни Умидахон, деб атагин. Шояд у менинг қурриятҳақидаги умидларимни рўёбга чиқарса!»

Хат қанчалик самимий ёзилмаган бўлмасин, Муаззамахон шу сўзларни ўқиб, демак, эримнинг озод бўлишдан умиди йўқ экан, деб тушкунликка тушди. Аммо айни пайтда Худодан эрининг орзуси ижобат бўлиши ҳақида ялиниб-ёлборди.

1937 йилнинг мудҳиш 13 декабридан анчагина олдин ўзбек юрти устидаги булутлар қуюқлашаётганини кўрган устози Фитрат Баҳром Ҳайдарийнинг уйига келиб, НКВДдан хат олгани ва бу ҳол хайрли эмаслигини айтган, унга эҳтиёт бўлишни, шўролар мамлакатида юз бераётган баланд-паст воқеалар ҳақида ҳеч кимга оғиз очмасликни тайинлаган эди. Шундан кейин Фитратнинг ўзи биринчилардан бўлиб қамоққа олинди. У билан изма-из қанчадан-қанча ёзувчилар, олимлар, журналистлар, муаллимлар, давлат, партия ва жамоат арбоблари, ҳатто улар билан салом-алиги бўлган оддий кишилар ҳам НКВДнинг ички ва ташқи ҳибсхоналарига олиб бориб ташланди.

Баҳром Ҳайдарийнинг яқин қариндоши профессор Аъзам Самежонов бундай эслайди:

«Кечқурун ишдан қайтиб келиб, уйда ўтирган эдим. Бир вақт синглим Муаззамахон ҳуши бир ҳолатда келиб, ҳўнграб йиғлаб юборди. Бундан етти-саккиз ой олдин уйимизга Фитрат домла келиб, НКВДдан чақирув қоғози келганини айтиб, Баҳром акага сен ҳам ҳушёр бўлишинг керак, деб шошиб чиқиб кетган эдилар. Бугун Баҳром акамни ҳам олиб кетишди».

Мен синглимни юпатишдан нарига ўтолмадим. Чунки ўша йилларда бундай ҳол оддий ҳодисага айланганидек эди. Қанчадан-қанча одамлар қамоққа олингани учун ҳамма ўзидан хавотирда, бугун бўлмаса эртага қамоққа олинишини сезар ва ҳатто кутар эди. Айни пайтда бу одамлар халқнинг гули бўлгани учун совет давлатининг уларни қириб ташлаши мумкинлигини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмас, шунинг учун ҳам уларнинг маълум вақтдан кейин озод этилишига умид боғлар эди».

Хуллас, 1937 йилнинг бир-биридан даҳшатли кунлари ўтиб, ҳатто бироз сокинлашган декабрь кунларининг бирида қайд этилган институтдаги тил кафедрасининг ассистенти Баҳром Ҳайдарий ҳам қамоққа олинди. Шу мудҳиш воқеадан бироз олдин республика раҳбариятига янги кишилар келган, уларнинг бир қисми рус аёлларига уйланганлари учунми ё бўлак сабаблар биланми ўзбек тилини кўнгилдагидек билишмас эди. Ана шундай нозик бир вазиятда олий ўқув юртларида ўзбек тилидан дарс берган айрим моҳир муаллимлар қатори Баҳром Ҳайдарий ҳам республикада бошланган кичик «маданий инқилоб»га жалб этилди. Ижтимоий ҳаётидаги ана шу ҳолат туфайли у 37-йилнинг «қил кўприги»дан соғ-омон ўтиб олишига ишонган эди.

Аммо қатағон машинаси ҳали ишдан тўхтамаган, НКВД ходимлари кўз остларига олган кишилар сони-салмоғи эса ҳали камаймаган эди. Фитрат сингари совет давлати учун ўта хавфли «душманлар» ортидан қўйилган хуфиялар уни ҳам «халқ душманлари»нинг думи сифатида қора дафтарларига қайд этган ва унинг «ичак-чаваклари»ни текшириш ишлари улар наздида якунга келгандек эди.

Баҳром Ҳайдарийнинг меҳнат дафтарчасини варақлар эканмиз, унинг 1917-1921 йилларда Улуғбек номидаги мактабда муаллимлик қилгани, шундан кейин 1925 йилга қадар ўқиганидан хабардор бўламиз. Аммо унинг на қаерда ўқигани, на бу ҳақда қандай ҳужжатлар борлиги қайд этилмаган. Афтидан, Б. Ҳайдарий ҳаётининг худди шу даври ҳақида НКВД ходимлари ихтиёрида муайян маълумотлар бўлган. 1938 йил 21 сентябрда тузилган «учлик»нинг қарорида унинг 1921 йили яширин равишда хорижга қочиб кетгани айтилган. Аммо терговчилар Б. Ҳайдарийни қанчалик қийнамасинлар, ундан зарур маълумотни ололмаганлар. Шунинг учун ҳам улар Б. Ҳайдарийга 1934 йили гўё немис жосуси томонидан ёлланган ва унга Тошкент гарнизонига қарашли ҳарбий қисмларнинг сони ҳамда қуроллари, шунингдек, шаҳар саноат корхоналари ва электростанциялари ҳақида маълумот берган, деб айб қўйганлар. Ўзбек тили ўқитувчисининг артиллерия полкида қанча қурол-яроғ борлигидан қандай қилиб хабардор бўлиши мумкинлиги уларни мутлақо қизиқтирмаган. Умуман, қатағон йилларида ўзбек зиёлиларига қўйилган айбларнинг аксари шундай беўхшов уйдирмалардан иборат бўлиб, улар совет тузумининг миллий халқларни эзиб-янчиш, уларнинг ор-номуси ва юрак садоси бўлган кишиларни қириб ташлашда ҳар қандай туҳмат ва қабиҳликдан қайтмаган сиёсий машина бўлганини яна бир карра тасдиқлайди.

Хуллас, Баҳром Ҳайдарий ана шундай туҳмат орқасида 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилди. Аммо унинг толеи бор экан, 1948 йили оиласи бағрига соғ-омон қайтди. Азоб-уқубат ичида ўсган бўлса-да, ёлғиз ёдгори Нажотни кўриб, боши осмонга етди, вафодор рафиқаси Муаззамахон билан дўзахлардан ўтиб юз кўришганидан бахт-иқболини чексиздек сезди. Бироқ мустабид тузум яна унинг бахти ва эркига ўзининг қонли чангалини солди. У яна ўша айблар билан 1948 йилнинг 28 декабрида иккинчи марта қамоққа олиниб, Красноярск ўлкасининг Сухово қишлоғига сургун қилинди. Бу сафар Баҳром Ҳайдарийнинг совет азобгоҳларида дарз кетган саломатлиги унга Сталин ва Бериянинг ўлими ҳақидаги, бу икки жаллод туфайли қатағон этилган миллионлаб кишиларнинг озод бўлганлиги тўғрисидаги хушхабарни эшитиш имконини бермади. Жабрдийда хотини ўз бошига тушган кўргиликларга чидолмай, бу дунёдан «дод» деб ўтди...

Собиқ совет давлати маърифатли кишиларнинг кушандаси бўлган. Нафақат ўз ватандошларини маърифатли қилиш истагида яшаган жадидлар, балки Халқ маориф комиссариати ходимларини ҳам биринчилардан бўлиб қатағон этган совет давлати 30-йилларда ҳам, 40-йилларда ҳам, ҳатто 50-йилларнинг бошларида ҳам маориф ва маданият ходимларига тузоқ қўйиб келди. Юзлаб, балки минглаб ўқитувчилар, ёзувчилар, санъаткорлар, журналистлар қатағон этилди. Баҳром Ҳайдарий ана шулар сирасидаги оддий кишилардан бири эди.

Кўрамизки, Баҳром Ҳайдарий Мунаввар қори Абдурашидхонов ёхуд Шокиржон Раҳимий сингари илм-фаннинг ташкилотчиларидан ҳам, ўз даврининг машҳур кишиларидан ҳам бўлмаган. Аммо у ўзбек ва форс-тожик ҳамда рус тилларини мукаммал билган, ўзбек маданияти тарихи, тасвирий санъат, кино санъати ва журналистикадан яхши хабардор бўлган. Қайд этилган газеталар таҳририятида хизмат қилганида ўнлаб мақолаларини эълон қилган. Киностудия билан ҳамкорлик қилган кезларида «Чачвон» фильмининг яратилишида фаол иштирок этиб, фильм сценарийсининг кўп сонли муаллифлари ва, айниқса, режиссёри М. Авербахга ўзбек миллий турмуш тарзи бўйича қимматли маслаҳатлар берган. Рус тилини мукаммал билгани учун шу йилларда яратилган қатор овозсиз фильмларнинг титр (матн)ларини таржима қилган. Унинг шу йилларда рус муаллифларининг кўплаб чоп этилган асарларидан айримларини таржима қилган бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Хуллас, Баҳром Ҳайдарий йигирма йиллик меҳнат фаолияти мобайнида ўзбек халқининг маданияти ва маърифати равнақи йўлида тинмай тер тўккан сиймолардан биридир.

Афсуски, уни билган ва ҳурмат қилган кишиларнинг сафи йилдан-йилга сийраклашиб бормоқда. Шунинг учун ҳам у ҳақда озми-кўпми маълумот берган замондошларимиздан бири атоқли бастакор Икром Акбаровнинг қуйидаги сўзлари биз учун, айниқса, қимматлидир.

«Амаким Баҳром Ҳайдарий, — деб ёзган у, — зиёли оиладан етишиб чиққан мусиқашунос олим, публицист-педагог бўлиб, 1928 йилдаёқ катта интеллектуал салоҳиятга эга бўлган, олий маълумотли киши эди. У бир кунини ҳам беҳуда ўтказмаслик учун илмга чанқоқлик ҳисси билан кўп ўқиди. Рус, форс ва араб тилларини эгаллади. Халққа хизмат қилиш, ўзининг камолоти йўлида ишлаш ҳаётининг асл маъносини ташкил этди. У, энг аввало, халқнинг маърифати ҳақида ўйлади. Мен ёш бўлганимга ва амаким билан мунтазам равишда мулоқотда бўлмасам-да, унинг ёрқин шахсияти ва олижаноб фазилатлари менда катта таассурот қолдирди ва мен бутун ҳаётим давомида унга ўхшашга интилдим. Баҳром Ҳайдарий билан яқин дўст бўлган ажойиб шоир Мақсуд Шайхзода менга амаким тўғрисида кўп нарсаларни гапириб берган. Мен адолат тантана қилиб, шундай атоқли кишиларнинг олиб борган ишлари беҳуда кетмагани, балки янада бойиб, Ватанимиз манфаати йўлида хизмат қилаётганидан, мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши ва тараққиётига ўз ҳиссасини қўшмоқчи бўлган барча илғор, зиёли ўғлонларга ибрат намунаси бўлаётганидан ифтихор ҳиссига тўламан ва ўзимни бахтиёр сезаман.

Биз ҳаммамиз Баҳром Ҳайдарий сингари ўз халқининг фидойилари олдидаги тарихий бурчимизни ёдда тутишимиз ва шу бурчга хизмат қилишимиз лозим».

Икром Акбаровнинг бу гўзал сўзларига қўшилмасликнинг иложи йўқ.

Чиндан ҳам, Баҳром Ҳайдарий сингари 20-30-йилларда яшаган зиёлилар бугун шаклланиб келаётган авлодларга ҳар томонлама намуна бўлишлари мумкин. Ёшлар улардан фидойиликни, меҳнатсеварликни, миллатпарварликни, ватанпарварликни, шунингдек, кишилик жамияти шу вақтга қадар яратган илм-фан, адабиёт ва санъат хазиналарини эгаллаш маданиятини ҳам ўрганишлари зарур. Шундагина ёшлар том маънода келажак меъморлари деган буюк номни оқлашлари мумкин.

Бугун Баҳром Ҳайдарий ёқиб кетган маърифат чироғи унинг фарзанди Нажот Ҳайдаровнинг хонадонида порлаб турибди. Ҳар қандай хорлик ва хўрликларга қарамай, Инсон деган номни баланд тутиб келаётган, боз устига Умида деган ажойиб қизини муносиб тарбиялаб, шаҳид ота руҳини обод қилаётган фарзандини кўрганида Баҳром Ҳайдарий қанчалар қувонч ва ғурурга тўлган бўлур эди.

Ҳа, Баҳром Ҳайдарий сингари халқимизнинг қатағон этилган фидойи фарзандлари хотираси олдида бурчлимиз.

Истиқлол ҳаммамиз учун Нажот бўлиб келган.

■ **Наим КАРИМОВ,**
Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси ва «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси раиси

ИШ ТАШЛАШ ЎТКАЗИЛДИ

Ҳиндистонда йирик касаба уюшмалари чақириғига кўра, мамлакат ҳукуматининг иқтисодий сиёсатига қарши ялпи иш ташлаш ўтказилди. Меҳнаткашларнинг норозилик чиқишларини Ҳиндистоннинг олтмишга яқин жамоатчилик ташкилотлари ва бир қанча мухолиф сиёсий партиялар қўллаб-қувватлади. Намойишчилар, жумладан, кенг меҳнаткашлар оммаси манфаатларини ҳимоя қилиш, миллий иқтисодиётнинг давлат секторини қўллаб-қувватлашни талаб қилди.

ПОРАХЎРЛИКДА АЙБЛАНИШМОҚДА

Хитойнинг Сичуан вилояти раҳбар ходимларидан йигирмадан ортиғи порахўрликда айбланиб ҳибсга олинди. Улар орасида вилоят йўл қурилиши бошқармаси бошлиғи Чжэн Даофан ҳам бўлиб, у 2,9 миллион юан (350 минг АҚШ долларига тенг) миқдорида пора олганликда шубҳа қилинмоқда. Хабарларга қараганда, ҳибсга олинганлар вилоятда йўл қурилиши борасида имзоланган шартномалар учун компаниялар раҳбарларидан пора олган.



Париж. Эйфель минораси — **Владимир ПАНОВ олган сурат**

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

Якшанба куни Танзаниянинг Мванза шаҳрида Уганда ва Руанда президентларининг учрашуви бўлиб ўтади. Улар икки мамлакатнинг Конго Демократик Республикасидаги Кисангани шаҳрида жойлаштирилган ҳарбийлар ўртасида келиб чиққан қуролли можарога барҳам бериш борасида келишиб олиши керак. Хабарларга қараганда, Уганда ва Руанда аскарлари ўртасидаги тўқнашувларда камида 15 киши ҳалок бўлган, Кисангани яшовчи юздан ортиқ фуқаро яраланган.

ХДП ХАБАРИ

«ЁШЛАР КЛУБИ»ДА ТАРҒИБОТ

Ўзбекистон ХДП Тўрткўл туман кенгаши «Камолот» жамғармасининг туман бўлими билан ҳамкорликда бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Туман партия кенгаши қошидаги «Ёшлар клуби»да 30 дан кўпроқ аъзо бор. Бундай клублар сони туманда 16 тага етди.

«Ёшлар клуб»лари, шунингдек, «Оилам — фахрим менинг», «Офарин» кўрик-танловлари, спорт мусобақалари ташкил этмоқда. «Ўз ҳуқуқингизни биласизми?» мавзусида ўтаётган учрашувлар эса жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда.

Туманда ХДП сафига кираётган ёшлар сони кўпайди. Ўтган йили партияга қабул қилинганлар орасида 30 ёшгача бўлган ёшлар 64,9 фоизни ташкил этгани қувонарлидир.

■ **Раймбой ЕШИМБЕТОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

Дўстлик туманидаги Аҳмад Яссавий номли 8-ўрта мактабнинг физика фани ўқитувчиси Ортиқ Кўчаров электромагнит майдони, электромагнит тўлқини дарсидан сабоқ бермоқда.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

ХОНОБОДДА САНЪАТ ШОДИЁНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-услубий маркази, Ўзбекистон Республикаси маданият ходимлари касаба уюшмалари марказий қўмитаси, республика «Ўзбекцирк» давлат бирлашмаси ташаббуси билан Андижон вилоятининг хушманзара Хонобод шаҳрида дорбозлар, цирк санъаткорлари ва ҳаваскор қўғирчоқ театрлари жамоалари республика кўрик фестивали бўлиб ўтди. Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм, Сирдарё, Жиззах, Навоий, Наманган, Фарғона, Тошкент ва Андижон вилоятлари бадиий гуруҳлари фестивал руҳини ифодалаган турли саҳна кўринишини намойиш этдилар.

Санъат шодиёнасида энг яхши жамоалар аниқланиб элга манзур томошалар кўрсатилди.

■ **Аҳмадулло СОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ИЛМУ ҲИКМАТ — СУВНИ ЁНДИРАР

САҲРО СИРИН ОЧҒАНЛАР

Яқинда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари Навоий вилоятининг Навбаҳор туманида яна бир ноёб хазина заҳираси — бентонит гиллар кони топилгани ҳақида хабар берди. Бентонит гилларининг мамлакатимиз халқ хўжалиги тараққиётида нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида ҳам айнан ана шу воқеа сабаб кенгроқ тасаввурга эга бўлдик. Бентонит гиллари дегани нақд оёқ остида ётган хазинанинг ўзгинаси экан.

Одатда улуғ ва савобли ишларга оддий одамлар, уларнинг тақдирида юз берган оддий воқеалар сабаб бўлади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Ўзбекистон Фанлар академияси геология ва геофизика институтининг катта илмий ходими, геология-минерология фанлари номзоди Холдор Чинниқуловга ўз шогирди, институт аспиранти Абдураззоқ Мирзаевга суҳбатларининг бирида анчадан буён кўнглига тугиб юрган бир режаси ҳақида гапириб қолди. Яъни у Қизилқум саҳроси бағрида дунёдаги энг ноёб маъданлар, жумладан, юқори сифатли бентонит гиллари ҳам борлигини биларди. Бентонит гилларини топиш унинг энг катта орзуси эди. Абдураззоқ Мирзаев устози бутун илмий фаолиятини мана шу ўта ноёб маъдан — бентонит гиллари ҳусусиятларини ўрганишга бағишлаганини яхши билар, ўзининг ҳам бу соҳага қизиқиши беқиёс эди. Қолаверса, ёш олим қалбида кашфиёт қилиш иштиёқи жўш уриб турар эди. Шу боис дилидаги гапни шартта айтиб қўяқолди: «Устоз, шу конни излаб топмаймизми?», «Бу конни албатта топшимиз керак, — деди устоз, — худога шукр, йўллар очиқ, озод ва эркин замонда қилмасак бу ишни қачон қиламиз?»

Шу тариқа ишга киришилди. Икки олимнинг ташаббуси билан Академиянинг геология ва геофизика институти қошида «Монолит» илмий ишлаб чиқариш маркази ташкил этилди. Қазув ва текширув ишларини амалга ошириш учун ушбу корхонага йигирма нафар ходим жалб этилди. Хуллас 1998 йилнинг баҳор кезларида саҳро бағрига вагон-уй тортилиб, саргузаштларга тўла ҳаёт бошланди. Ҳар гал тупроқнинг янги қатлами очилиб, челаклаб тупроқ тортиб олинганда кўзлар умидга тўлади: зора шу сафар кашфиёт содир бўлса. Аммо кашфиёт дегани игна билан қудуқ қазишдай машаққатли. «Жон чекмасанг, жонона қайда», деб қўйибдилар. Осонликча ҳеч қачон мурод ҳосил бўлмайди. Текширишга юборилган тупроқ намуналаридан бирор-бир натижа чиқмас, лабораториядан «ҳозирча ҳеч гап йўқ, текширишни давом эттираверинглар», деган жавоб келарди. Буёқдан денг, сахронинг жазирамаси ва қумбўрони жондан тўйдираман дейди. Яна бир ёқдан ишчилар: «Бир иш чиқмаса нима керак сарсон бўлиб», дея ҳарҳаша қилади. Абдураззоқ Мирзаев бошчилигидаги «Монолит-99» илмий ишлаб чиқариш маркази марказий Қизилқумдан тортиб Жанубий Нурота тоғларини ғарбий қисмигача бўлган ҳудудда бентонит гилларини қидирув ишлари олиб борди. Охири Абдураззоқ Мирзаевнинг ҳам сабр косаси тўлди: «Холдор ака, бўлди, бир иш чиқмайдиган кўринади», деди. «Сабр қил, — деди устоз босиқлик билан, — кон топилмаса, топилмас, лекин ҳеч бўлмаганда илмий ишинг учун материал тўплаб оласанку».

«Қари билганни пари билмас», деганлари бежиз эмас экан. Орадан бир-икки ой ўтгач, орзиқиб кутилган кун ҳам келди — лаборатория текширувлари Навбаҳор туманида ўта юқори сифатли бентонит гиллари заҳираси борлигини тасдиқлади. Устоз ва шогирднинг ўша пайтдаги қувонганини кўрсангиз эди! Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар қўмитаси қошидаги кон кашфиётчилари ишлари бўйича идоралараро марказий ҳайъатнинг 1999 йил 22 декабридаги қарори билан А. Мирзаев ва Х. Чинниқуловга «Кон кашфиётчиси» унвони берилди. Барча мутахассислар бир овоздан Навбаҳор бентонит гилларининг афзаллиги беқиёс эканини таъкидлади. Бу коннинг заҳираси бир неча юз йилларга етади. Одатдаги конларнинг бир тонна хомашёсидан нефть ва газ қудуқларини қазишда ишлатиладиган 4-5 куб метр ювувчи суюқлик олинса, Навбаҳор конининг бир тонна хомашёсидан 12-14 куб метр суюқлик олиш мумкин. Шу пайтга қадар нефть конларини бурғулашда ишлатиладиган бентонит гиллари валюта ҳисобига Украина ва бошқа хорижий давлатлардан олиб келинарди. Чунки ўзимизда қазиб олинадиган гиллар талабга жавоб бермас эди.

Бентонитнинг асосий хусусияти шундаки, у ўз ҳажмини тез кенгайтиради ва бошқа нарсаларни ўзига сўриб олади. Шу боис у нефть қудуқларини бурғулашда, ёғ-мой саноатида ёғни қайта тозалашда кенг ишлатилади. Булар асосий қўлланиш соҳалари. Бундан ташқари, бентонит гиллари қишлоқ хўжалигида, тупроқни яхшилашда жуда қўл келади. У биринчидан, қумлоқ ва ғовак таркибли тупроқларга қўшилса, ерни тўйинтириб, ҳосилдорликни бир-икки баробар ошириши мумкин. Иккинчидан, сув танқис минтақаларда у намликни узоқ муддат сақлаб туришга хизмат қилади. Учинчидан, бентонит гилларини ҳозир кенг қўлланишда бўлган плёнкалар таркибига қўшиб, чиқиндисиз ва зарарсиз плёнкалар ишлаб чиқариш мумкин. Шунингдек, бентонит гилларидан ичимлик сувларини тозалашда самарали восита сифатида фойдаланса бўлади. Дарвоқе, унинг тозалаш хусусияти ғоятда беқиёс. У нафақат сувни тозалашда, балки истеъмол ва техник ёғларни, турли бўёқларни, мева ва шарбатларни, яна кўпдан-кўп маҳсулотларни тозалашда жуда қўл келади. Тери, қоғоз ва тўқимачилик саноатида ҳам турли мақсадларда қўлланилади. Ҳозирги кунда фармацевтикада ўндан ортиқ дори тайёрланмоқда. Нимасини айтасиз, ундан ҳатто ўт ўчиришда ҳам фойдаланса бўлади. Боя айтганимиздек, у ҳажмини тез ўзгартиради, қисқа муддатда шишиб, кўпчиб, ўзига хос «соябон» ҳосил қилади. Бу эса аланганинг ҳуруж қилишига йўл қўймайди, ёнғинни тезда бартараф этиш имконини яратади. Қисқаси, мутахассислар фикрига кўра, бентонит гиллари ҳаммаси бўлиб, 52 хил ишлаб чиқариш соҳасида қўлланилади. Бинобарин, унинг таърифини кичкина бир мақолада айтиб адо қилиш қийин. Хуллас, бугун ана шундай хазина қўлимизда. Қизиғи шундаки, бу кон бир йил ичида разведка қилиниб, тасдиқланиб, фойдаланишга топширилди. Мустақилликдан олдин бундай конларни разведка қилишдан то фойдаланишга топширгунга қадар 10-15 йил вақт кетар эди. Кон Навоий шаҳридан бор-йўғи 35 чақирим узоқликда жойлашгани унинг яна бир афзаллиги. Ҳозир кон қошида мўъжазгина цех ишлаб турибди. У тажриба учун маҳсулот тайёрлаб бермоқда. Кўпгина корхоналар унинг маҳсулотини ишлатиб кўриб, сифатига юқори баҳо бермоқда. Эндиги вазифа — бу ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш, бунинг учун эса, табиийки, сармоя ва маблағ зарур. Икки олим ҳозир шунинг ташвишида юрибди.

Президентимиз айтганларидек, юртимиз чиндан ҳам Оллоҳнинг назари тушган юрт. Бу замин бағрида ҳали қанча-қанча сир-синоатлар ўз кашфиётчиларини кутиб ётибди. Бу юртни жон дилдан севган, унга фидойи бўлган инсонларга бу муборак тупроқ ўз сирларини очаверади.

■ **Ботирали ШОДИЕВ,**
Ўзбекистон телевидениеси муҳаррири

ТАРИХИМИЗ САҲИФАЛАРИ

1991 — 2000

1996 ЙИЛ

Июль. Ўзбекистон ХДП МК Котибияти, иш режасига мувофиқ, партия Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, шаҳар ва туман кенгашлари биринчи котиблари минтақавий семинар-кенгашларини ўтказишга қарор қилинган эди. Шунга биноан, биринчи семинар-кенгаш Термиз шаҳрида бўлиб ўтди.

12 август. Ўзбекистон ХДП МК Котибияти мамлакатимиз мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан, махсус тарғибот гуруҳларини ташкил қилишга қарор қилган эди. Шунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, республика Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази билан келишилган ҳолда, таниқли олимлар, адиблар ва партия фаолларидан шакллантирилган гуруҳлар мамлакатимиз вилоятларига юборилди. Улар меҳнат жамоалари, аҳоли истиқомат жойлари, ўқув юртлари, бошланғич партия ташкилотларида бўлдилар, республикамизнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқларини, Президентимиз И. А. Каримовнинг маърузалари, нутқлари ва асарларида баён этилган қоида ҳамда хулосалар, ХДП дастурий ғоялари, унинг Миллий истиқлол мафкураси мазмунини тарғиб этдилар, байрамга бағишланган тадбирларда иштирок этдилар.

16 август. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби, фалсафа фанлари доктори А. Жалоловнинг «Мустақиллик масъулияти» номли китоби босмадан чиққани ҳақида Ўзбекистон ХДП МК матбуот марказининг хабари матбуотда босилди.

28 август. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда партия МК Сиёсий ижроқўмининг Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси VI сессияси кун тартиби юзасидан умумий нуқтаи назарини ишлаб чиқиш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

28 августь. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг мамлакатимиз парламентидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси VI сессиясининг тавсия этилаётган кун тартиби ҳамда унинг муҳокамасига киритилиши мўлжалланаётган ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан фракция нуқтаи назарини ишлаб чиқиш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

29 август. Матбуотда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари, республикамизнинг барча фуқароларига байрам табриги чоп этилди.

1 сентябрь. Матбуотда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб, «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари саҳифаларида энг яхши публицистик, илмий-оммабоп ва бадиий асарлар учун ўтказилган танлов якунлари ҳақида Ўзбекистон ХДП МК Котибиятининг қарори эълон қилинди.

(Давоми бор).

ДУШАНБА, 15

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба, 15 май «Ўзбекистон»-1 телеканали кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.

15.00 «Олтин тож».
15.20 «Футбол шарҳи».
15.40 «Осилсанг баланд дорга осил». Бадиий фильм. 1-қисм.
16.40 «Соғлом авлод — бу бизнинг келажагимиз».
17.40 . «Қувноқлар даврасида».
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Сиз уларни танийсиз».
18.30 «Тафсилот».
18.45 «Мусиқа бекати».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Эр киши элим дейди».
21.25 Мусиқий дастур.
21.55 «Маънавият» дастури.
22.35 «Живз ва Вустер».
23.25 «Ахборот».
23.55 «Ўтган кунлар». Бадиий фильм.
1.30—1.35 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR Telekanali

9.00 «Давр тонги».
10.00 Кўрсатувлар дастури.
10.05 «Янги авлод»: «Уй вазифаси», «Шум болалар».
10.55 «Мусиқий лаҳзалар».
11.05 «Давр». Ҳафта ичида.
11.45 Ҳужжатли кино бисотидан. «Риштон мўъжизалари».
12.00 «О, ёшлигим».
12.20 «Хотира». Бехбудий.
12.30 «Олтин мерос».
12.45 «Спорт—2000».
13.35 «Мусиқий лаҳзалар».
13.45 Баҳодир Йўлдошев театри: Тофиқ ал-Ҳаким. «Гаройиб оқшом».
14.50 «Мусиқий лаҳзалар».
15.00 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
15.15 «Спорт—2000».
15.55 «Мусиқий дастур».
16.25 «Ёшлик формуласи».
16.45 «Муқаддас туйғу».
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Мульттомоша».
17.35 «Ўзбегим кураши».
18.00 «Ватан мадҳи».
18.10 «Дунёга йўл».
18.30 «Эски альбомдан».
18.35 «Ёшлик баёзи».
18.40 «Танишинг: Аъзамжон Мирзоулуғов».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «ТВ-анонс ва «Эколаш».
19.35 «Душанба дастуридагилар ва бошқалар»: «Истеъдод—2000», «Тақвим».
20.05 «Қишлокдаги тенгдошим».
20.25, 21.20, 22.30 Эълонлар.
20.30 «Доктор Финли».
21.25 «Бир ўлка-ки».
21.50 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Мусиқий лаҳзалар».
22.40 «Эколаш».
22.45 «Муҳаббат қаҳваси».
23.30 Интерфутбол. Ҳафтанинг энг яхши учрашуви.
0.00 «Давр». Ахборот дастури.
0.15 Интерфутбол. Ҳафтанинг энг яхши учрашуви.
1.15 Шарқ эстрадаси.
1.30—1.35 «Тонг юлдузи».

ТВ

17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Эҳтиром ила».
18.00, 21.00, 22.30, 23.35 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.20 Телегазета «Экспресс».
18.45, 19.50 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
19.30 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.30 «Спорт-тайм».
20.50 «Мусиқий лаҳзалар».
21.20 : «Қора дур доналари».
22.00 Телегазета «Экспресс».
22.25 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 «Машҳур ва бадавлат одамлар».
23.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал

4 ТВ

15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00—17.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
17.00 Мультчархпалак.
17.20 «Ҳаётнинг ҳикматлари».
17.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.00 «Дил изҳори».
РЖТ
18.45 «Тотли оғу». Сериал.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.50 «Спорт - клуб».
21.10 «Сулола».
21.30 «Дил изҳори».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф. «Шоқолни ўлдириш». Бадиий фильм.
23.40 «Ахборот» (рус тилида)
00.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЗО КАНАЛ

Соат 18.00 гача профилактика.
18.00 Дастурнинг очилиши.
18.05 "Телеҳамкор". Фойдали газета.
18.25 "Дўндиқча". Телесериал.
18.50 "Қалблар кироличаси". Телесериал.
19.35 "Телеҳамкор". Фойдали газета. Метеохабар.
20.00 "Клип-совға". Телетабриконма.
21.00 "30-канал" киноокшоми. "Шайтонваччалар". Саргузашт детектив (АКШ).
22.45 "Имконият чегарасида". Фантастик сериал (АКШ).
23.30 "Латифани эшитдингизми?"

СЕШАНБА, 16

ТВ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.35 «Ахборот».
*
8.35 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 «Аёл қалби наволари». Мусиқий дастур.
9.10 «Живз ва Вустер». Телесериал. 7-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.35 Кундузги сеанс: «Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари». Бадиий фильм.
12.05 «Устоз».
12.15 «Мен билган, билмаган дунё».
12.30 «Сиз Ватан ардоғида». Мусиқий дастур.
13.25 «Олам». Дам олиш кинодастури.
14.10 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
14.30 «Ўйинчоқлар сири». Мультфильм.
14.40 «Маънавият» дастури.
15.20 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
16.00 «Осилсанг баланд дорга осил». Бадиий фильм. 2-қисм.
17.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 Бир жуфт қўшиқ.
18.20 Болалар учун. «Миттивойлар оиласи».
18.40 «Эл соғлиги — юрт бойлиги».
19.00 «Олтин мерос».
19.10 «Мулкдор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Ариқ гулшани».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.25 «Муҳаббат соғинчи». Мусиқий дастур.
«Спорт» дастури:
22.00 Теннис бўйича «Челленжер» Халқаро турнири.
22.30 Каратэ бўйича Ўзбекистон чемпионати.
23.00 «Бунёдкорлик одимлари».
23.35 «Ахборот».
00.05 Экранда — кинокомедия. «Яна ўша Насриддин». Телевизион бадиий фильм. 1-қисм.
00.55—1.00 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR Telekanali

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси, «Мульттомоша».
9.50 «Мусиқий лаҳзалар».
10.00 «Аср қиёфаси».
10.20 «Ёшлар фотостудияси».
10.35 «Ватан мадҳи».
10.45 «Дунёга йўл».
11.00 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
11.45 «Мусиқий лаҳзалар».
11.50 «Хотира». Авлоний.
12.00 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Ҳафтанинг энг яхши учрашуви.
13.30 «Мулохаза».
13.50 «Садо—99» саҳифаларидан.
14.10 «Тараққиёт».
14.20 «Доктор Финли». Телесериал.
15.10 «Мезон».
15.30 «Жаҳон эстрадаси».
15.45 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
16.45 «Мусиқий лаҳзалар».
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод»: «Мусиқа олами», «Мультфильм».
17.35 Жаҳон жуғрофияси «Тутунлар водийси».
18.25 «Таянч».
18.40 «ТВ-саёҳат».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «ТВ-анонс ва «Эколаш».
19.35 «Биринчи мўъжиза».
19.55 «Мусиқий лаҳзалар».
20.00 «Давр»-интервю.
20.15 «Биз ким, ўзбеклар».
20.35, 21.30, 22.30 Эълонлар.
20.40 «Доктор Финли» Телесериал.
21.35 «Ёшлар овози».
21.55 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Мусиқий лаҳзалар».
22.40 «Эколаш».
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.30 «ТВ-анонс».
23.35 «Мусиқий глобус».
0.00 «Давр». Ахборот дастури.
0.15 «Мусиқий лаҳзалар».
0.25—0.30 «Янги тонг».

ТВ

7.50 «Соғлом бўлай десангиз».
8.00 Телегазета «Экспресс».
8.25 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
8.45 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
9.25 «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари». Мультфильм. 6-қисм.
9.35 «ТВ плюс».
10.05 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
10.50 «Ёввойи табиат».
11.40—12.00 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви (рус тилида)
* * *
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Эҳтиром ила».
18.00, 21.00, 22.30, 23.35 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.20 Телегазета «Экспресс».
18.45, 19.50 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
19.30 «Спорт оламида».
20.30 «Туризм ҳақида».
21.20 ТТВда сериал: «Қора дур доналари».
22.00 Телегазета «Экспресс».
22.25 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
23.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал

4 ТВ

РЖТ 6.30—8.00
*
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00—17.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
17.00 Мультчархпалак.
17.20 «КВН сайёраси».
17.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.00 «Дил изҳори».
РЖТ
18.45 «Тотли оғу». Сериал.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
*
20.50 «Спорт - клуб».
21.10 «Сулола».
21.30 «Дил изҳори».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф. «Шоқолни ўлдириш». Бадиий фильм.
23.40 «Ахборот» (рус тилида)
00.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЗО КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05 "Телеҳамкор". Фойдали газета. Метеохабар.
9.30 "Даракчи". Дам олиш дастури.
10.00 "Карапуз-ТВ".
10.30 Тонгги киносеанс. "Чароғим". Мелодрама (АКШ).
12.00 "Телеҳамкор". Фойдали газета.
* * *
18.00 Дастурнинг очилиши.
18.05 "Телеҳамкор". Фойдали газета.
18.25 "Дўндиқча". Телесериал.
18.50 "30-канал"да премьера. "Қалблар кироличаси". Телесериал.
19.35 "Телеҳамкор". Фойдали газета. Метеохабар.
20.00 "Клип-совға". Телетабриконма.
21.00 "30-канал" киноокшоми. "Қизил қоядан ғарброкда". Триллер (АКШ).
22.30 "Ўзингни кўрсат". Дам олиш кўрсатуви.
22.45 "Имконият чегарасида". Фантастик сериал.
23.30 "Жарқалдиргоч ва бошқалар". Мусиқий-дам олиш дастури.

ЧОРШАНБА, 17

ТВ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 «Рақслар гулдастаси». Мусиқий дастур.
9.10 «Тинчлик қадри».
9.25 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Тошлар тилга кирганда».
9.35 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Йил ўқитувчиси-2000». Республика кўрик-танлови.
10.30 Кундузги сеанс: «Қора қисқичбақа чангалида». Бадиий фильм.
12.05 «Болалигим—пошшолигим».
12.20 «Кучукча ва эски шиппак». Мультфильм.
12.30 «Сиҳат-саломатлик» почтаси.
12.50 «Ниҳол-2000». Ўзбекистон олий ўқув юртлари театр танлови.
13.25 «Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
14.10 «Динозаврлар билан сайрлар». Телесериал. 3—4-сериялар.
15.10 «Мураббий». Спорт дастури.
15.20 «Бешбармоқ». Тележурнал.
15.40 «Изҳор». Мусиқий дам олиш дастури.
16.40 «Мутлақ устунлик билан». Бадиий фильм.
17.50 «Иқтисод ва биз».
18.10 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
18.30 «Орзули олам бу».
18.45 «Наво таралсин». Мусиқий дастур.
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Таълим-тарбия миллий дастури амалда».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиқлолим — истиқболим».
21.15 «Олам қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
«Умид» дам олиш дастури:
21.40 1. «Соғинч сохили». 2. «Ботмай колган ой». Теленовелла.
22.35 Каратэ бўйича Ўзбекистон чемпионати.
23.00 «Бунёдкорлик одимлари».
23.10 «Живз ва Вустер». Телесериал премьераси. 8-қисм.
24.00 «Ахборот».
00.30 Экранда — кинокомедия. «Яна ўша Насриддин». Телевизион бадиий фильм.
2-қисм.
1.20—1.25 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR Telekanali

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод»: «Мусиқа олами», «Мультфильм».
9.50 «Мусиқий лаҳзалар».
10.00 «Давр» - интервю.
10.15 «2000-йилдан сўнг». Телесериал. 37-қисм.
10.35 «Бизнес-академия».
10.55 «Сурур». Мусиқий дастур.
11.10 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
11.55 «Биз ким, ўзбеклар».
12.15 «Таянч».
12.30 «Душанба дастуридагилар ва бошқалар» : «Истеъдод-2000», «Тақвим».
12.50 «Олтин мерос».
13.00 «Доктор Финли». Телесериал.
13.50 «Дастхат».
14.10 «Довюраклар». Телесериал.
15.00 «Биринчи мўъжиза».
15.20 «Шарқ эстрадаси».
15.35 «Хаёл».
15.55 «Бу ҳам кино». Телесериал.
16.20 «Мусиқий лаҳзалар».
16.25 «Ҳудуд».
16.45 «Хит-коллекция».
17.05 «Кўрсатувлар дастури».
17.10 «Янги авлод»: «Қувноқ учрашув», «Мультфильм».
17.35 «Семург». Ўсмирлар учун дастур.
18.00 «Олис сафарлар иштиёқида». Хитой.
18.20 «Мусиқий лаҳзалар».
18.30 «Эски альбомдан».
18.35 «Далил ва шарҳ».
18.50 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «ТВ-анонс ва «Эколаш».
19.35 Сиз севган «Сетора» гуруҳи.
19.55, 22.30 Эълонлар.
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Ракурс».
20.30 «Мусиқий лаҳзалар».
20.40 «Сийрат».
21.00 Нодирбек Лутфуллаев куйлайди.
21.20 «Эркин фикр».
21.50 «Каталог».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Мусиқий лаҳзалар».
22.40 «Эколаш».
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.30 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
0.00 «Давр». Ахборот дастури.
0.15 Интерфутбол.
1.15 «Хайрли тун!».

ТВ

7.50 «Соғлом бўлай десангиз».
8.00 Телегазета «Экспресс».
8.25 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
8.45 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
9.25 «Спорт-тайм».
9.45 «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари». Мультфильм. 7-қисм.
9.55 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
10.40 «Ёввойи табиат».
11.30-11.50 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.(рус тилида)
* * *
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Эҳтиром ила».
18.00, 21.00, 22.30, 23.45 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.20 Телегазета «Экспресс».
18.45, 19.50 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
19.30 «Ёшлар ҳудуди».
20.30 «Янги иқтисод».
21.20 ТТВда сериал: «Қора дур доналари».
22.00 Телегазета «Экспресс».
22.25 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 «Осойишталик фидойилари».
23.00 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
00.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал

4 ТВ

РЖТ 6.30—8.00
*
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00—17.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
17.00 Мультчархпалак.
РЖТ
17.20 «Комикслар йиғмаси».
17.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.00 «Дил изҳори».
*
РЖТ
18.45 «Тотли оғу». Сериал.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.50 «Самон йўли».
21.10 «ТВ-4 да немис тўлқини».
21.30 «Дил изҳори».
22.00 «Вести».
22.30 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида». «Хиллеард» ансамбли (Буюк Британия)
22.45 «Икки роял».
РЖТ
23.35 Футбол. УЕФА кубоги учун «Арсенал» (Англия) — «Галатасарай» (Туркия) финал ўйинлари.
1.35 «Ахборот» (рус тилида)
2.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЗО КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05 "Телеҳамкор". Фойдали газета. Метеохабар.
9.30 "Мусқаймоқ". Мусиқий дастур.
10.00 "Карапуз-ТВ".
10.30 Тонгги киносеанс. "Баския". Психологик драма (АКШ).
12.00 "Телеҳамкор". Фойдали газета.
* * *
18.00 Дастурнинг очилиши.
18.05 "Телеҳамкор". Фойдали газета.
18.25 "Дўндиқча". Телесериал.
18.50 "30-канал"да премьера. "Қалблар кироличаси". Телесериал.
19.35 "Телеҳамкор". Фойдали газета. Метеохабар.
20.00 "Клип-совға". Телетабриконма.
21.00 "30-канал" киноокшоми. "Аёл ва ёлғиз". Триллер (АКШ).
22.45 "Имконият чегарасида". Фантастик сериал.
23.30 "Висол". Мусиқий дастур.

ТАШКИЛОТ СОТАДИ:

— Нусха олиб-кўпайтириш техникаси ва идора эҳтиёжлари учун қоғозлар:
— қалинлиги 80 г/м
— А-4 формати.
— 200 ва 400 варакдан иборат ўрамда. Баҳоси 1 кг. 1200 сўм.
— Ҳақ тўлаш шакли — пул ўтказиш йўли билан.
— 1 тоннадан зиёд қоғоз сотиб олувчилар учун сезиларли арзонлаштирилади.
— Ўзбекистоннинг исталган манзилига етказиб берилиши мумкин.

Телефонлар: 144-37-92, 144-04-93.
Манзил: Тошкент 129, Навоий кўчаси, 30-уй.

YOSHLAR Telekanali

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод»: «Қувноқ учрашув», «Мультфильм».
9.50 «Мусиқий лаҳзалар».
10.00 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
10.25 «Семург». Ўсмирлар учун дастур.
10.40 «Олис сафарлар иштиёқида». Хитой.
11.00 «Мусиқий лаҳзалар».
11.15 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
12.00 «Садо—99» саҳифаларидан.
12.15 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
13.45 «Сийрат».
14.05 «Мусиқий лаҳзалар».
14.15 «Доктор Финли». Телесериал.
15.05 «Мусиқий лаҳзалар».
15.15 «Икки эшик ораси».
15.35 «Бу ҳам кино». Телесериал (якунловчи қисм).
16.00 «Мусиқий лаҳзалар».
16.10 «Спорт қитъаси».
16.40 «Сенинг вақтинг».
17.00 «Кўрсатувлар дастури».
17.05 «Янги авлод»: «Олтин калит», «Мультфильм».
17.40 «Бизнес-доктор». 11-кўрсатув. «Келажак».
18.10 «Олтин мерос».
18.25 «Тараққиёт».
18.40 «Ёшлик қўшиқлари».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «ТВ-анонс ва Эколаш».
19.35 «Мезон».
19.50 «Мусиқий лаҳзалар».
19.55 «Давр» - интервю.
20.10 Азамат Отажонов куйлайди.
20.30, 21.25, 22.30 Эълонлар.
20.35 «Доктор Финли». Телесериал.
21.30 «Бегойим».
21.50 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Мусиқий лаҳзалар».
22.40 «Эколаш».
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.30 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
0.00 «Давр». Ахборот дастури.
0.15 Интерфутбол.
1.15—1.20 «Хайрли тун!».

ТВ

7.50 «Соғлом бўлай десангиз».
8.00 Телегазета «Экспресс».
8.25 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
8.45 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
9.25 «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари». Мультфильм. 8-қисм.
9.35 «Спорт оламида».
9.55 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
10.40 «Ёввойи табиат».
11.30—11.50 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви (рус тилида)
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Эҳтиром ила».
18.00, 21.00, 22.30, 23.35 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.20 Телегазета «Экспресс».
18.45, 19.50 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
19.30 «Тошкент ва тошкентликлар».
20.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.50 «Саховат».
21.20 ТТВда сериал: «Қора дур доналари».
22.00 Телегазета «Экспресс».
22.25 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
23.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал

4 ТВ

РЖТ 6.30—8.00
*
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00—17.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
17.00 «Мультчархпалак».
РЖТ
17.20 «Каламбур». Ҳажвий киножурнал.
17.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.00 «Дил изҳори».
18.40 «Ўорлднет янгиликлари».
РЖТ
18.50 «Тотли оғу». Сериал.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.50 «Кино сайёраси».
21.10 «Вақт хазинасидан».
21.25 «Дил изҳори».
22.00 «Вести».
22.30 «Мюзик-холл».
22.50 Кинематограф. «Пандора» лойиҳаси». Бадиий фильм.
00.15 «Ахборот» (рус тилида)
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЗО КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05 "Телеҳамкор". Фойдали газета. Метеохабар.
9.30 "Эсдалик учун дастхат". Дам олиш дастури.
10.00 "Карапуз-ТВ".
10.30 Тонгги киносеанс. "Буюк орол". Психологик драма (АКШ).
12.00 "Телеҳамкор". Фойдали газета.
* * *
18.00 Дастурнинг очилиши.
18.05 "Телеҳамкор". Фойдали газета.
18.25 "Дўндиқча". Телесериал.
18.50 "30-канал"да премьера. "Қалблар кироличаси". Телесериал.
19.35 "Телеҳамкор". Фойдали газета. Метеохабар.
20.00 "Клип-совға". Телетабриконма.
21.00 "Соялар-2 ни овловчи" лойиҳаси". Фантастик-жангари филм (АКШ).
22.45 "Имконият чегарасида".
23.30 Мусиқий дастур.

ЖУМА, 19

ТВ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.35 «Ахборот».
8.35 Марказий газеталар шарҳи.
8.55 «Зилол». Мусиқий дастур.
9.15 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Камолиддин Беҳзод», «Қалб садолари».
9.40 «Озод юрт одамлари». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Қўғирчоқлар жонланганда».
10.25 ЎзТВ хазинасидан. «Қиролнинг дилхуши». Телевизион театр.
12.05 «Сомон йўли».
12.25 «Сиз тўғилган кун». Мусиқий дастур.
13.25 «Олам». Дам олиш кинодастури.
14.10 «Камолот сари».
14.30 «Кўзги марафон». Бадиий фильм.
16.00 «Халқ қалбида яшар аждодлар». Бадиий-мусиқий дастур.
16.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Иўгонтепа ёнидаги сиҳатгоҳ». Премьера.
17.00 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда — Қорақалпоғистон Республикаси.
17.20 «Ракибингиз — гроссмейстер».
17.30 «Бир қадам».
17.50 «Мамонтчанинг онаси». Мультфильм.
18.10 «Ҳамкорлик ришталари».
18.25 Болалар учун. «Кичкинтоймиз—гижингтоймиз».
18.45 «Сиёсат ва одамлар».
19.00 «Бир жуфт қўшиқ».
19.10 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Тиббиёт оламида».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиқлолим — истиқболим».
21.15 «Навоий наволари». Мусиқий дастур.
21.45 «Қиёфа».
22.10 «Оқ йўл!» Автошоу.
23.00 «Живз ва Вустер». Телесериал премьераси. 9-қисм.
23.50 «Ахборот».
00.20 «Дала ҳовли». Бадиий фильм.
1.45—1.50 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR Telekanali

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод»: «Олтин калит», «Мультфильм».
9.50 «Мусиқий лаҳзалар».
9.55 «Давр»-интервю.
10.10 «Ҳақиқат чегараси».
10.35 «Дирижабл».
10.55 «Бегойим».
11.15 «Муҳаббат қаҳваси».
12.00 «Мусиқий лаҳзалар».
12.05 «Улар Германияда ўқиган эдилар».
12.35 Интерфутбол.
14.05 «Олтин мерос».
14.15 Телесериал.
15.05 «Мусиқий лаҳзалар».
15.15 «Дилбарим».
15.35 «Кусто командаси
16.25 «Шу куннинг мавзуси».
16.40 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
17.10 «Кўрсатувлар дастури».
17.15 «Янги авлод»: «Ҳар соҳага саёҳат», «Мультфильм».
17.50 «Жаҳолат бекати».
18.05 «Мусиқий лаҳзалар».
18.10 «Автосалтанат».
18.25 «Ҳуқуқ ва бурч».
18.45 «Ёшлик наволари».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «ТВ-анонс ва «Эколаш».
19.35 «Мусиқий лаҳзалар».
19.45 «Саломат бўлинг».
20.05 «Аскар мактублари».
20.25, 21.20, 23.45 Эълонлар.
20.30 «Доктор Финли». Телесериал.
21.25 «Азизим».
21.55 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Мусиқий лаҳзалар».
22.40 «Эколаш».
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт: «Ринг қироллари».
23.45 Жаҳон эстрадаси.
0.00 «Давр». Ахборот дастури.
0.15—0.25 «Мунаввар тонг истаб».

ТВ

7.50 «Соғлом бўлай десангиз».
8.00 Телегазета «Экспресс».
8.25 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
8.45 «Санта-Барбара».
9.25 «Жозиба».
9.45 «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари». Мультфильм. 9-қисм.
9.55 «Машҳур ва бадавлат одамлар».
10.40 «Ёввойи табиат».
11.30—11.50 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви (рус тилида)
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Эҳтиром ила».
18.00, 21.00, 22.30, 23.35 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.20 Телегазета «Экспресс».
18.45, 19.55 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
19.30 «Саодат калити».
20.30 «Мусиқий лаҳзалар».
20.45 «Бурч ва масъулият».
21.20 «Қора дур доналари».
22.00 Телегазета «Экспресс».
22.25 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 «Машҳур ва бадавлат одамлар».
23.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал

4 ТВ

РЖТ 6.30—8.00
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00—17.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
17.00 «Мультчархпалак».
РЖТ
17.20 «Жентльмен-шоу».
17.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.00 «Дил изҳори».
РЖТ
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.55 «Дил изҳори».
21.25 «Боланинг тили ширин».
22.00 «Вести».
22.30 «СНН шоу».
РЖТ
22.50 «Евровидение-2000». Қўшиқлар танлови. Швециядан олиб кўрсатилади.
2.00 «Ахборот» (рус тилида)
2.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЗО КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05 "Телеҳамкор". Фойдали газета. Метеохабар.
9.30 "Экс ББ ва К". Мусиқий дастур.
10.00 "Карапуз-ТВ".
10.30 Тонгги киносеанс. "Шивирлаб". Триллер (АКШ).
12.00 "Телеҳамкор". Фойдали газета.
* * *
18.00 Дастурнинг очилиши.
18.05 "Телеҳамкор". Фойдали газета.
18.25 "Дўндиқча". Телесериал.
18.50 "30-канал"да премьера. "Қалблар кироличаси". Телесериал.
19.35 "Телеҳамкор". Фойдали газета. Метеохабар.
20.00 "Клип-совға". Телетабриконма.
21.00 "Ўзингни кўрсат". Дам олиш кўрсатуви.
22.45 "Имконият чегарасида". Фантастик сериал.
23.30 "Мусқаймоқ". Мусиқий дастур.

ШАНБА, 20

ТВ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.35 «Ахборот».
*
8.35 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.15 «Ҳидоят сари».
9.40 «Живз ва Вустер». Телесериал. 9-қисм.
«Умид» намойиш этади:
10.30 «Дунё кўриб, дунёлар ярат».
10.50 «Табассум кўчаларида».
11.25 Болалар учун. «Табиат алифбоси».
11.45 «Табаррук қадамжолар».
12.05 «Хуш кайфият

ТАБИАТ ВА ИНСОН

АРЧАНИ КЕСМАНГ, ОҒАЖОН...

Арчазорни оралаганмисиз? Сизни билмадиму, ўрмонга кирсам жаннатга киргандай бўламан. Унинг ичида не-не сир-асрорлар, ҳар қадамда кишини лол қолдирадиган ажойиботлар бор! Ёзнинг жазирама иссиғида арча соясида ўтирсангиз, этингиз жўнжикиб, елкага тўн иласиз. Ҳавоси тоза. Тоғ шамолининг ёқимли шабадаси арча соясида танангизни яйратади. Тўйиб-тўйиб нафас оласиз. Барча мавжуд дарахтлар, ҳаттоки атиргуллар ҳам кечаси корбонад чиқараркан. Фақат, Зарафшон арчалари кислород чиқаради. Борингки, бир кеча-кундузда арча 240 килограмм кислородни инсонга ҳадя этади.

Мингга кирадиган ноёб дарахт. Яна энг қизиғи, табиатнинг қудрати билан инсондан ҳеч бир ёрдам кутмасдан ўзини-ўзи «вояга» етказади ва минг ёшга тўлгач энди кексайганини билгандай ўзидан-ўзи ўт чиқариб ёнади.

Арчанинг уруғи ярим йил деганда ердан ниш уради. Йил давомида кўпи билан 3-5 сантиметрга бўй чўзади, холос. Йиллар давомида тўкилган барглари ўғит сифатида ўзига ишлатади. Юзлаб метр ер қаърига илдиз отиб, сувни тўплайди, тупроқнинг силжишига йўл қўймайди. Шу сабаб ҳам арчазорда чашмалар кўп. Ичсанг, сувига тўймайсан. Барча жонивор, парранданинг бошпанаси. Чорва ҳам унинг бағридаги яйловлардан эт олади, елини сутга тўлади. Инсон эса серунум ерларга уруғ экиб ризқу-насиба теради.

Ҳиндикуш тоғларини кўрганман. Баландлиги 4 минг метрдан зиёд чўққиларда арчалар жуда сийрак бўларкан. Қуюқ ўрмонзорлар йўқ. Бойсун тоғларида 75 минг гектарлик арчазорлар мавжуд. Уларни асраш эса ўрмон хўжалигининг 25 нафар қўриқчилари зиммасига юклатилган. Ҳар қўриқчига 4-5 минг гектар арчазорлар тўғри келади. Бу — жуда кўп. 25 қўриқчи билан 75 минг гектарлик ўрмонни ёвуз ниятлардан асраш эртакка ўхшайди... Бу дунёнинг ҳийла-ю найрангларига учган айрим хиёнаткор инсонлар эса арчалар танасига болта ботириб, уни аёвсиз кесадилар. Она табиат берган гўзалликни кўр-кўрона, тўғрироғи ваҳшиёна йўқ қилиш пайида бўладилар...

Қишлоғим бошидаги арчазорларни ораласам ҳар-ҳар ерида кундаларни кўриб, йиғлагим келди. Э воҳ, бу гўзал дарахт сенуменга нима зарар етказдики, уни аёвсизларча кесамиз! Менга сув бер, танамдаги қурту-қумурсқаларга дори сеп, атрофимни юмшат демаса, ўзини-ўзи вояга етказиб турса, нега кесаверамиз?..

— Асабларим қақшаб қолди, — дейди Бойсун ўрмон хўжалиги директори Матлаб Абдураҳмонов. — Ўрмонзорнинг бир ҳудудида арча кесилибди, деган хабарни эшитсам кечаси бўлса ҳам етиб бораман. Айбдорни излайман. Тинчим йўқолади. Эгаси минг пойласин, ўғри бир пойласин экан. Барибир кесади, номард. — Куюнади ичидан ўрмон раҳбари. Нима қилсин у. Ўн гектар бўлсаки ичига кириб ётсанг. Ахир 75 минг гектарлик ўрмонзорнинг саноқли қўриқчиси бор. Бунинг устига замонавий техникалар йўқ. Ёнилғи етмайди...

— Ўтган йили Завбоши ва Қайроқ тоғ ҳудудимиздаги ўрмонзорлар ичида салафанга ўралган ҳар бири 4 метрлик 22 дона арча хариларини ер остига кўмиб қўйилганидан бохабар бўлдик. Қўриқлаш муҳандисимиз Бойназар Норқобилов ва ўрмон беги Нурали Тиллаевларнинг сергаклиги туфайли арча харилар хўжалик омборига келтирилиб, кирим қилинди, — дейди директор.

Бойсун жамоа хўжалигининг чўпони Жўра Жумаев 14 та арча хариларини кесиб, шахсий қурилишига ишлатаётганлиги факти аниқланди. Ёки омонхоналик пенсионер Жўрақул Ҳайдаров 18 дона арчани кесиб, қурилиш учун ишлатаётганлигида қўлга туширилди. Айбдорларга тегишли жазолар қўлланилди. Аммо, бу жазолар билан қирқилган арчаларни қайта тиклаш учун балки 100 йил, ёки ундан кўпроқ вақт керак бўлади.

Ўтган йили Кентала тоғ ҳудудидан 3 дона арча кесилганлиги учун ўрмон беги Нурмамат Тожиев, Орзиқул Аллаёровлар ўз вазифасидан бўшатилди. Туман прокуратурасининг саъй-ҳаракатлари туфайли Кентала тоғ ҳудудидан 72 дона арча кесганлиги учун Низом Ибодов 113 минг сўм жаримага тортилди. Ёки шу қишлоқлик ўқитувчи Олим Мўминов арчани ноқонуний кесганлиги учун жиноий иш қўзғатилиб, туман суди томонидан тегишли жазо олди.

Энди, қачонки, табиатни асраш қон-қонимизга сингиб кетмас экан кўрилаётган чоралар катта дарё ўртасида оқиб бораётган бир хасчалик бўлмас. Авайлашни эса мактаб партасидан, қоларса боғчадан бошлаш керак! Ўрмон бизга берилган беҳисоб дунё. Нафақат инсонга, жамики парранда-ю, жониворларнинг якка-ю ягона бошпанаси. Ҳаёт манбаидир. Ўрмоту, Ҳаловат тоғларида сурув-сурув бўлиб юришарди. Ёғи қарақсоқ, сил, ўпкага даво деб отиб бўлишди. Энди улар ҳар замонда учраб қолса қоладики, кўришни орзу қиласан, холос.

Бундан ўн йил илгари Бойсунга энишдаги баланд бир тепаликка 2 та қайрағоч ва ўн беш туп олма экиб, ўн километр масофадан «Жигулида» сув ташиб, ўстирдим. Сув тупроқ устига изиб кетмасин деб, ҳар бир дарахт тупига азбес турба кўмдим. Сувни ана шу турбалар орқали дарахтлар илдизига оқизардим. Сув оқизган пайтларим дарахтлар менга миннатдорчилик билдиргандай майин шабадада чайқаларди. Ҳамюртларим шаҳарнинг барча жойидан кўринадиган кичик боққа Собиртепа деб ном қўйишди. Қайрағочлар қад ростлади. Олмалар битта-ярим ҳосилга кирди. Бойсунга меҳмон бўлиб келгучи ҳамюрт адиблар Шукур Холмирзаев, Эркин Аъзам, Усмон Азим, Хуршид Даврон, Мурод Муҳаммад Дўст, Зоҳир Аъалам, кинорежиссёр Темир Малик Юнусов, Неъмат Аминов, яна қанча шоирлару, ёзувчиларни шу ерда кутиб, шу ердан кузатдик. Қирқиб кетишди. Ҳа, гулга кирган олмаларни бир кечада қайсидир ноинсоф ўтинлик учун кесиб кетган. Бу дунё ёмонга бой-у, яхшига зор экан-да!..

Февралнинг боши эди. Тонг энди ёришай деб турганда телефон жиринглади. Гўшагини кўтардим:

— Собиржон, тузукмисиз? Мен келдим. Автобусдан тушдим. Постда ўтирибман. — Таниш, камтарона Шукур Холмирзаевнинг овози эшитилди.

— Қимирламай туринг, ҳозир етиб бораман, — дея адибни кутишга чиқдим. Яйраб кўришдик. Ахир, ҳамманинг ҳам ўзи кутган одамлари бўлади-да!... Бойсунга келяпмиз. Шукур ака қор босган тоғларга соғинч билан қарайди:

— Собиржон бахтлисизлар.- Шундай юртда яшайсизлар-а. Ана, қаранг тоғларга қор тушибди. Сув мўл бўлади. Шу тоғлар бизники-а!, — ҳавас билан қорли чўққиларга боқади адиб. — Яна икки кундан кейин кетаман. Келиш осон-у, қайтиш қийин...

Собиржон дарахтларга нима бўлди?, — ғамгин сўради у, Собир тепага келгач.

— Қирқиб кетишди, ака. Ана қаранг, бир қайрағоч билан жийда дарахти қолган.

— Кўнглим бузиляпти Собир. Фақат менга қараманг. Йиғлагим келяпти... Нега бизнинг кўп нарсаларга ақлимиз кеч етади-а? Биров яхши ният билан дарахт экса-ю, бошқаси кўр-кўрона... Падарига лаънат! Илоҳим худонинг ўзи сени жазоласин! — куюнди Шукур ака.

Шукур аканинг сафари қариди. Акани кузатиш учун Дарбанд пости томон йўл олдим:

— Собиржон қайтиш қийин экан, — вазмин сўз бошлади адиб, — анаву қор босган тоғларни яна қачон кўраман. Айтинг, ҳамюртларга арчаларни кесишмасин. Авайлашсин. Болаларимиз, невараларимиз учун. Ахир уларнинг ҳам сиз-у биз кезган ўрмонларда ҳақи бор-ку! Бош бўлинглар. Юртни асрамоқ ҳаммамиз учун қарз ва фарздир. Эртага неваралар қарғаги каклик деб юришмасинда, оғам!...

■ **Собир ЁДИҚОВ,**
Сурхондарё вилояти,
Бойсун тумани.

Бахтли келажак. Камолиддин ТЎРАЕВ олган сурат

КУЛГИ — УМР ЗИЙНАТИ

— Мистер Холмс, мен кечаги кўрган фильмимизнинг номини ҳеч эслай олмаяпман.
— Агар билсангиз, Хадсон хоним, бу бориб турган паришонхотирлик касаллигининг бошланиши.
— Ана, ана, кечаги кино шундай деб аталарди-да.

* * *

— Шерлок, мусиқангиз юрагимдан «урди».
— Йўғ-э, Ватсон, ахир уни электр чолғу-асбоблари учун ёзмовдимку?

* * *

— Холмс, зерикиб юрагим тарс ёрилиб кетди. Кўнглим учун бирор куй чалмайсизми?
— Азизим, Хадсон кўнглингизни «ямаш» учунми?

КУЛГИ — УМР ЗИЙНАТИ

— Айтингчи, Холмс, маслаҳат бериш яхшими, олишми?
— Айтганим бўлсин, Ватсон, сизга унисининг ҳам, бунисининг ҳам ҳожати йўқ.

* * *

— Дўстим, Холмс нега энди гўзал хонимлар мени сўраб келишади-ю, сизни кўриб, сизни эшитиб, сизга дардини айтишаркин?
— Чунки сизнинг кўзингиз ўткир-у, қулоғингиз «ўтмас»да, Ватсон.

* * *

— Холмс, бир тасаввур этинг-а, сиз бир аёлни севиб қолдингиз?
—...
— Бўпти. У сизни севиб қолди. Нима бўлади? Тасаввур қилинг?
— Сиз уйни бўшатасиз, Ватсон.

ЎСМИРЛАР БЎШ КЕЛИШМАДИ

Россиянинг Твер шаҳрида ўсмирлар ўртасида кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати ўтказилди. 15 мамлакатдан келган полвонлар беллашувида юртдошларимиз 3 тадан олтин ва кумуш, 4 та бронза медалига эга бўлиб, жамоа ҳисобида биринчи бўлишди. Россия курашчилари 1 та олтин, 6 та кумуш, 9 та бронза олишган бўлишса, эстонлар 2 та олтин, 1 бронза билан қаноатландилар.

БЕШИНЧИ ЙЎЛЛАНМА

Сеул шаҳрида юнон-рум кураши бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида 19 мамлакат вакиллари иштирок этди. Ўзбекистондан 8 полвон қатнашиб, биттадан олтин, кумуш ва иккита бронза медалига эга бўлишди. Баҳодир Қурбонов Осиё чемпиони бўлиб, Сидней олимпиадасига йўлланма олган бешинчи курашчимиз бўлди.

ТУҒИЛГАН КУН

КИМ? ҚАЧОН?

15 МАЙ

Зоҳид НУРМАТОВ (1960) —«Темирйўлчи» футбол жамоаси бош мураббийси.

Николай СУЕСКИЙ (1968) — футболчи, «Сўғдиёна» жамоаси ярим ҳимоячиси.

Роман ХАЛИУЛИН (1981) — футболчи, «Сурхон» жамоаси ярим ҳимоячиси.

Мурод ЖАЛИЛОВ (1977) — футболчи, «Семурғ» жамоаси ҳужумчиси.

17 МАЙ

Тоҳир РАЖАБОВ (1946) — Республикада хизмат кўрсатган артист.

18 МАЙ

Алексей РЫБАКОВ (1974) — футболчи, «Металлург» жамоаси ярим ҳимоячиси.

19 МАЙ

Ҳабибулла АБДУЛЛАЕВ (1953) — Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театри актёри.

20 МАЙ

Жаҳонгир ҲАМИДОВ (1930) — биолог, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби.

Дилшод ОРИПОВ (1977) — юнон-рум кураши бўйича Осиё чемпиони.

21 МАЙ

Нодира ОРИПОВА — рассом, Ўзбекистон бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси.

Шоҳида УЗОҚОВА — Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театри актёри.

Гулмира МАДРАҲИМОВА — Республикада хизмат кўрсатган артист, балетмейстер.

!!!133-12-56???

ПИРУ-БАДАВЛАТЛАРИМИЗ

МАМАТХОН ОТА БОҒИ

Чуст тоғлари орасидан Ғовасой суви баҳор қўшиғини куйлаётгандай шовуллаб оқади. Унга ҳамоҳанг шамол ғир-ғир эсади. Дарахтларнинг шохлари ундан баҳра олиб тебранади. Шундоқ Ғовасой бўйлаб тоққа туташиб кетган олмазорда дала юмушлари авжида. Миришкорлар дов-дарахт оралариға ишлов беришяпти.

Олмазорга суқланиб боқаман. Шу дам бир дастшоҳ кўтарган отахон боғ оралаб чиқиб қолди.

— Ҳорманг!

— Бор бўлинг!

— Бу боғ қачон ташкил этилган?

— Унинг тарихи узоқ, — деди отахон гапида давом этиб. — Бу ерлар «Ғовасой» жамоа хўжалигига қарашли. Сиз кўриб турган бу олмазор 1965-66 йилларда ташкил қилинган. Унинг ташаббускори, барака топгур Маматхон Бобохонов бўлган. Далаларимиз тоғли, тошлоқ ерлардан иборат бўлганлиги сабабли ўша йиллари, ғўза бир қаричдан нари ўсмасди. Бунинг устига иқлимимиз салқинлиги учун кўсаклар тўлиқ очилишга улгурмасди. Ўшанда Маматхон ака совхозни боғ-узумчилик хўжалигига айлантириш ташаббуси билан чиқди. Бу таклиф ғоваликларга ва бошқа раҳбарларга ҳам маъқул келди. Шундан сўнг бу ерлар боғ-узумчиликка ихтисослаштирилди, — отахон ана шундай дея эътиборимни танаси йўғон олма тупларига қаратди.

— Бу олма дарахти кўчатларини Маматхон аканинг шахсан ўзлари олдириб келгандилар. Хув, анави токзор ҳам ўша йилларда яратилган, — дея қўли билан тоғ этагидаги узумзорга ишора қилди отахон. — Биз олма ва ток кўчатларини ёш боладай парвариш қилдик. Маматхон ака раҳбар бўлсалар-да бу боғлардан хабар олиб турарди.

— Ҳосилдорлик қандай?

— Нима десам бўлади, ҳар қалай ойлик маош олиб турибмиз. Албатта, бу ҳосилдорлик яхшилигидан-да.

Мен отахоннинг исми-шарифини сўрашга ботина олмадиму, лекин унинг ҳаракатидан хўжаликнинг жонкуяр боғбонларидан бири эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Боғдорчиликка асос солган Маматхон Бобохоновга нисбатан ғоваликларнинг қалбида ҳамон жўш урриб турган меҳр-муҳаббатни унинг сўзларидан уқиб олдим. Ҳа, Маматхон ака раҳбарлигида суви тақчил туманнинг тоғолди занг майдонлари ўзлаштирилиб қишлоқ хўжалик оборотига киритилди. Шатак ариғи қурилиши туфайли Ғовасой суви 30-35 чақирим наридаги туманнинг энг чекка Ахча қишлоғига келтирилди. Қисқаси, Чуст тумани боғ-роғлашди, гўзаллашди. Сўнг Маматхон Бобохонов Тўрақўрғондаям масъул лавозимларда ишлаб юрган кезлари кўп яхши ишларга ташаббускорлик қилди.

Бугина эмас у ўзи туғилиб ўсган Косонсой туманининг ҳар томонлама юксалишига жонини фидо қилганлардан. Унинг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан адир жойларининг ёнбағрида Тешиктош канали барпо этилди. Ҳозир унинг сувидан «Боғишамол» мозори атрофида яшовчи аҳоли, Косонсой, «Дўстлик» ва Худойбердиев номли жамоа хўжаликлари ва бир қанча фермер хўжаликлари баҳраманд бўлаётир.

Юқорида биз Маматхон отани боғ-роғларни барпо этиш ташаббускори сифатида таърифладик. Ҳақиқатан ҳам шундай. Бунинг исботини «Боғишамол» мозори атрофида ўз қўли билан яратган боғ яққол намоён этиб турибди. Унда турли мевали дарахтлар ҳар йили боғбонга мўл ҳосил инъом этмоқда. Унинг кўнглини тоғдек кўтармоқда.

Косонсойлик нуронийлар Маматхон отани ўзларининг азиз кишиси сифатида ҳурмат қиладилар. Чунки у кўп йиллар уларнинг етакчиси бўлди. Бугина эмас ёшлар ҳам у кишини меҳрибон устоз ва мураббий сифатида ҳурматини ўрнига қўядилар. Республикамиз мустақилликни қўлга киритган дастлабки йилларда Президентимиз фармони билан биринчилар қаторида Маматхон отага «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони берилгани бунинг далилидир. Унинг кўплаб шогирдлари ҳозир тумандан тортиб республика миқёсида турли соҳаларда меҳнат қилишмоқда.

Маматхон Бобохонов нафақат раҳбар, устоз, мураббий шу билан бирга фарзандлар боғининг боғбони ҳамдир. У тўрт қиз, уч ўғилнинг падари бузруквори. Қизлари Маърифатхон олий тоифали врач, Каримахон, Хосиятхон ва Замирахонлар олий маълумотли ўқитувчилар. Ўғли Одилхон инженер-механик, фермер, Валишер — Косонсой туман МТП бошлиғи. Алишер — инженер-гидротехник, кўп йиллардан буён Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли вилоят гидрогеология мелиоратив экспедициясининг бошлиғи. 24 та невара ва 6 чевара бобо атрофида «лаббай» деб туришади.

Отахон ҳозир 82 ёшга қадам қўйди. У мустақиллигимиз тобора мустаҳкамланиб бораётганидан, республикамизнинг гуллаб-яшнаётганидан, уни бутун жаҳон таниётганидан беҳад хурсанд.

— Юртбошимиз доимо омон бўлсин, — дея дуога қўл очади Маматхон ота. — У юртим деб, элим деб ёниб яшаяпти. Халқимизни ёрқин келажак сари дадил бошлаб бормоқда. Мен унга олий мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатида фақат омад тилайман.

■ **Эркин ҚАМБАР,**
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

* * *

Суратда: Маматхон ота Бобохонов неваралари даврасида.

СОҲИБҚИРОН ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАБ

«Муборакнефтгаз» нефт ва газ конлари бошқармасида мунтазам равишда спортнинг футбол, волейбол, шахматашашка, кураш, стол тенниси каби турлари бўйича қизиқарли беллашувлар ташкил этилиб турилади.

Яқинда буюк Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 664 йиллигига бағишлаб миллий кураш мусобақаси ўтказилди. Унда бошқарма бўлинмаларида хизмат қилувчи ҳаваскор полвонлар иштирок этишди. Кескин ва муросасиз курашлар натижасида С. Ҳалилов барча рақибларни енгиб, мусобақанинг бош совринини қўлга киритди. Ғолиб қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

■ **Илҳом КАРОМОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

МАКТУБ

ЯХШИЛАРНИНГ МЕҲРИ

5 фарзанднинг онасиман. Худога шукрлар бўлсинким, ўз оилам, турмуш ўртоғим, ширидан-шакар фарзандларим бор.

Турмуш ўртоғим жуда меҳнаткаш инсон эди. Кўп йиллар заводда ҳалол меҳнат қилиб келди. Қишин-ёзин ишлаб, пешона тери тўкиб, эвазига ўпка касалини орттириб олди. Заводдаги иши оғир бўлганлиги сабабли ишдан бўшашга мажбур бўлди. Биз беш нафар фарзандимиз билан заводга қарашли барак уйда яшар эдик. Ишдан айрилгандан сўнг ана шу кичкинагина бошпанамиздан ҳам айрилдик. Беш нафар ёш боламни, ногирон бўлиб қолган турмуш ўртоғимни бир бурда нонга зориқтирмаслик учун қўлимдан келганча ҳаракат қилдим, елиб-югурдим. Жуда ҳам қийналиб ҳолдан толган пайтларимда ҳам аламимни меҳнатдан олдим. Натижада ўзим ҳам асаб касаллиги, сўнгра қанд касаллиги билан оғриб қолдим. Эрим тарафдан ҳам, ўз ота-онам тарафдан ҳам суянадиган, ёрдам берадиган инсон топилмади. Неча йиллардан бери ижарама-ижара ҳаёт кечириб келмоқдамиз. Ҳозир эрим I-гуруҳ ногирони. Эримнинг пенсия пули билан маҳалладан келадиган ёрдам пулини ижарага тўлаймиз. Ўз уйимиз, бошпанамиз бўлса ҳаётимиз изга тушиб қолар, одамлар сингари яшармиз, деб кўп жойга мурожаат этдим. Худога шукрлар қиламанки, ҳаётда яхши одамлар ҳам бор экан. Авваламбор маҳалламиз раиси Қодирхўжа Йўлдошев биринчи бўлиб ёрдам қўлини чўздилар. Уларнинг маслаҳатлари билан «Наврўз», «Қизил ярим ой» жамиятига, «Камолот», «Соғлом авлод» жамғармаларига мурожаат қилдим. «Наврўз» хайрия жамғармаси моддий томондан ёрдам бериб кўнглимизни тоғдек кўтарди. «Қизил ярим ой» жамияти томонидан фарзандларимга берилган иссиқ кийим-бошлар оғиримизни анча енгил қилди. Мен хотин-қизлар қўмитасининг раисаси Озода Алимовнадан миннатдорман. Чунки оғир аҳволда қолганимизда фақатгина ота-онасинингтина эмас, балки ўзгаларнинг ҳам меҳрига муҳтож бўлган фарзандларимнинг бошини оналарча силадилар, қўлларидан келганича ёрдамларини аямадилар. Ҳурматли газета ходимлари, мен учун қадрли бўлган инсонларга сизларнинг газетангиз орқали миннатдорчилик билдираман.

■ **Муҳайё ЖЎРАБОЕВА,**
Тошкент шаҳри.

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сиёсат — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Реклама ва эълонлар 133-47-80, 133-38-55,
Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Саида Йўлдошева

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Сахифаловчи-дастурчи
Бахтиёр Жуманов

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 182

Топшириш вақти -- 21.00.
Топширилди -- 21.00.
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА